

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 9 июль • сешанба № 26 (866)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.odliya.uz

Тақдирин қўл билан яратган миллат



ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2013 йил 12 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини ўқиб, беихтиёр ёдимизга улғу шоирнинг машҳур мисралари келади:

**Тақдирин қўл билан яратур инсон,
Ғойибдан келажак бахт — бир афсона.**

Дарҳақиқат, озодлик ва мустақиллик руҳида кечган 22 йил давомида Юртбошимиз раҳбарлигидаги халқимиз ўз ҳаётининг барча-барча жабҳаларида шундай муваффақиятларга эришдики, буни меҳнаткаш қўл билан яратилган чинакам тақдир, деб атамолар мумкин. Инчунин, бу муваффақиятлар ғойибдан — четдан келмади, недир пуштипаноҳлар тортиги бўлмади, балки юксак ақл ва заковат, пухта ўй-тадбир, омилкорлик ҳаракатлари, муттасил давом этган фидойи меҳнат натижаси ўлароқ ҳаётини реалликка айланди.

Қарорда Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақиллигида эришилган оstonасида" китобидан ўрин олган тарихий маърузалар билан тасдиқланган муҳим фактларнинг айримлари келтирилади. Жумладан, мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобидида қолган таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар су-



ғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани кишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жер ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлгани алоҳида таъкидланади.

Азиз замондош, энди келинг, ҳужжатдаги мана шу биргина факт ва рақамлар моҳиятига, ўша ниҳоятда оғир шароитда дадил амалга оширилган сайёҳаракат аҳамиятига эътибор қаратайлик. Ўша даврни бошдан кечирган ҳар бир киши яхши эслайдик, қизил империя исканжасидан қўтилиш ҳаракати тушган республикалар ўртасидаги алоқалар даяри ўзлаб қолган, обрўсизлиги бўлган давлатнинг қонунлари амал қилмас, иқтисодий шартнома ва келишувлар бажарилмас эди. Натижада, узок

йиллар давомида пахта як-каҳқимлиги ўрнатилган, арзон хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистонга ҳаётини муҳим товарлар келиши тўхтаб қолган, жумладан, кишлоқ хўжалиги техникаси, ёнлиги-мойлаш материаллари, бугдой ва бошқа дон маҳсулотлари, шаккар, ўсимлик ёғи сингари кундалик эҳтиёж товарларидан кескин танқислик юзага келганди. Республика оморларида бор-йўғи бир ҳафта-ун кунга етадиган бугдой қолган бўлиб, тирикчиликнинг нон-сиз тасаввур қила олмай-диган халққа бунини очик маълум қилиш тасаввур қилиб бўлмас талотўмларга сабаб бўлиши мумкин эди...

Мана шу шароитда шўро давлати томонидан тиш-тирноқ билан қўриқланадиган колхоз ва совхоз ерларини кишлоқ аҳолисига бўлиб бериш бир томондан фожиани

олдини олишнинг ягона ва энг оқилона йўли бўлган бўлса, бошқа томондан Марказ зугуми ва келгусида кўриши мумкин бўлган жиддий қораларига мардона юз туттиш, халқ, миллати ва мамлакатини ўзини фидо қилишнинг юксак намунаси бўлди.

Холбуки, шу ва шунга ўхшаш мардона ҳаракатларга ўзида куч ва шижо-ат топа олмаган не-не республикаларда халқ кўчага чиқиб оломонга айланиши, у ерларда биродар-қўшлик урушлари олови йиллар давомида ўчмагани ҳам маълум.

Миришкор Ўзбекистон халқи эса Юртбошимиз тортиқ этган ердан ўша йилнинг ўзидаёқ ризқ-рўз ундириб, ўзгалар қўлига қараш, бировларга сарғайиш, истибдод тўрига қайта тушиш хавфидан халос бўлди. Бундан кўринадики, Ўзбекистон Президенти то-

монидан қабул қилинган мазкур Қарор фақат иқтисодий эмас, балки маънавий, руҳий, сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим тарихий аҳамият касб этган.

Истиқлолнинг йигирма икки йиллик байрамини нишонлаш тўғрисидаги Қарорда тилга олинган муваффақиятлар саногини ва қўламини эса шу қадар кенги, бир мақола доирасида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтаб ўтиш имкони йўқ, албатта. Шундан келиб чиқиб, биз мазкур ҳужжатдаги яна бир ҳаётини муҳим масалага эътиборингизни тортиш билан чекланамиз. Қарорда "истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдининг тақдирини хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва ман-

фаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларининг оғирини енги қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш" байрамолди ўтказилажак тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгиланган.

Дарҳақиқат, ўзбек аёлининг истиқлолга ва у қўлга киритилганда кейинги ҳаётини солиштирсак, миллионлаб аёллар тақдирини мислсиз ижобий ўзгаришлар содир бўлганига имон келтирамиз. Ёдингизда бўлса, собиқ Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳар йили фақат ўзини ёқиб усули билангина ўртача 80-85 нафар аёл ўз жонига қасд қилар эди.

саяё-ҳаракатлари билан 1958 йилнинг 24 январиди Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти таъкил топди. Бу институт кейинчалик академик Х.Сулаймонова номи билан юритила бошлади.

Х.Сулаймонова 1964 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси вазифасига тайинланди ва умрининг охиригача шу лавозимда ишлади.

Х.Сулаймонова оғир ва узок касаллик натижасида 1965 йилнинг 26 ноябрда куч ва билмига тўлган вақтда ҳаёт билан вайоланди. Шундай бўлса-да, истеъдодли оlima, чуқур билим соҳибаси Хадича Сулаймонова юртимизда жуда кўп савобли ишларни амалга оширди ва ўзбек ҳуқуқшунослик фанини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшди.

У ижтимоий ва илмий ҳизматлари учун бир қатор орден ва медаллар ҳамда Фахрий ёрликлар билан тақдирланган. У ҳаётининг сўнгги дақиқасига адолат тантанаси ва халқ бахт-саодати учун садоқат билан ҳизмат қилди.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири**

Ёднома

Ўзбек ҳуқуқшунослик оламининг порлоқ юлдузи

соҳа ривожига беқиёс хизмат қилди

ХОТИРА — инсон маънавиятининг узвий бир бўлаги саналади. Зеро, ўтганларни ёдга олиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш, қабрларини ободонлаштириш инсонийликнинг энг олий тамойилларидан биридир. Бу каби эзгу ишлар мустақиллик йилларида бошқа кўпгина унутилаёзган қадриятларимиз қатори қайта тикланиб, янада жонлантирилди. Инқироз ёқасига келиб қолган миллий маънавиятимиз, бебаҳо маданият, маърифий, тарихий, меъморий меросимиз Юртбошимиз саяё-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, қайта кўз очди. Бугун ундан баҳрамандмиз. Буюк аждодларимизнинг ёрқин сиймолари ва порлоқ хотираси абадийлаштирилди, юрт озодлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги машаққатли меҳнатлари эъзоз топди.

КУНИ КЕЧА таникли ҳуқуқшунос оlima, давлат арбоби, академик Хадича Сулаймонованинг таваллуд тоғна-нига юз йил тўғди. Айтиш жоизки, Х.Сулаймонова таваллуд тоғнан кўннинг саксон йиллиги 1993 йилда шахсан Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли бўлиб ўтган эди.

Ўзбек ҳуқуқшунослик оламининг ёрқин юлдузи номига сазовор бўлган Хадича Сулаймонова 1913 йил 3 июл-

да Андижонда туғилди. Унинг онаси Отинча, отаси Сулаймон Келгинбоев ўқимишли, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва рус тилларини мукамал ўзлаштирган инсон бўлганлари учун фарзандларининг савод чқаришига катта эътибор қаратишди.

Хадича акиси, онаси ва укаси билан биргаликда 1931 йилда тўқиз йиллик мактабни татомлади. Ўша пайтдаги халқнинг оғир турмуши, ҳақсизлик кичкина

қизалоқнинг қалбида адолат тантанаси учун кураш ҳавасини уйғотди ва у ўз мақсади сари турли тўсиқларга қарамай интилиб яшайди. Ёш Хадича ҳуқуқ илмий таъдиқот институтининг тайёрлов курсида, Тошкентда таъкил этилган Жаҳон Обидова номидаги ҳуқуқ институти ва Москва юридик институтининг аспирантурасида таъсил олди.

Хадича Сулаймонова ҳуқуқшунослик соҳасида ил-

мий даража олишга сазовор бўлган биринчи ўзбек аёли эди.

1950 йилнинг 29 декаб-рида у докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзбек аёли томонидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилиниши эса Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанининг ривожланишида катта воқеа бўлган эди.

Хадича Сулаймонова 1956 йилнинг сентяб-рида Ўзбекистон Адлия вазири этиб тайинланди ва худди шу йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига сайланди.

У вазир лавозимида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш, ишчанлик қобилиятини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилди.



Суд экспертизаси соҳасида суд-тергов органлари иш сифатини яхшилаш учун илмий таъдиқот ишларини ривожлантиришга катта эътибор берган шахс ҳам Хадича Сулаймонова эди. Ўша вақтда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент Криминалистика илмий-таъдиқот лабораторияси республика суд-тергов органларининг талабига жавоб бермасди. Х.Сулаймонова республиканинг юқори органлари олдида бу лабораторияни кенгайтириш ва унинг базасида суд экспертизаси илмий-таъдиқот институти таъкил этиш масаласини қўйди ва унинг

Таҳлил ва талқин

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги

хорижий давлатларнинг

қонунчилик таҳлили

МАМЛАКАТИМИЗ Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги ҳақидаги муҳим норма мустаҳкамлаб қўйилган (30-модда). Қолаверса, "Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси, иккинчи қисмида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг ҳавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбур эканликлари белгиланган бўлиб қўйилган. Бироқ мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгрок амалга ошириш имкониятини яратиб бериш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини қўчайтириш тақозо этилмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарурлиги асослантириб берилди.

Мазкур қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш каби мақсадларни назарда тутди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг улар фаолияти тўғрисидаги ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакллари кенгайтириш, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомилларини белгилаш "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги вақтларда қабул қилинган қонунларда уларда қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг мазмунини баён этувчи алоҳида модда назарда тутилмоқда. Шундай экан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ҳам унда қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг таснифини бериш ўхшаш мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижий давлатларнинг шунга ўхшаш қонунларида унда қўлланилган асосий тушунчаларнинг таснифи белгиланганини кўриш мумкин. Масалан, Германияда 1998 йил 10 мартда қабул қилинган "Расмий ҳужжатлар билан танишиб ва ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида ахборот олиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг таърифи ҳамда уларнинг аниқ рўйхати ўз ифодасини тоған. Унга кўра, ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан, чет эл фуқароси ҳам эга бўлиши белгиланиб, ахборотдан фойдаланувчи субъектлар доираси чекланмаган. Бельгиянинг "Маъмурий соҳасида ошкоралик тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида ҳам худди шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилганини кўриш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 446-II-сонли қонуни билан тасдиқланган янги таърифдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасида ҳам хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай экан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасида унда қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг мазмунини ифодаловчи алоҳида норма давлат ахборотдан фойдаланувчиларнинг рўйхатини кенгайтириш мақсадида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс эга бўлиши ҳақидаги норма белгиланган мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу каби назорат ақсарият давлатларда парламент томонидан тайинланадиган ихтисослаштирилган омулсманлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Ирландияда ахборот масалалари бўйича комиссия (англо-саксон аъна-аналари бўйича омулсманни комиссия, деб аташ қабул қилинган) ахборот олиш ҳуқуқи бузилган шахс ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, комиссиянинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлади. Канадада комиссиянинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлмасда, бироқ у текшириш ишларини амалга ошириши ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бу борада йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларининг рўйхатини оммавий равишда эълон қилиши белгиланган бўлиб қўйилган. Ундан ташқари, ахборот олиш ҳуқуқи масалалари бўйича комиссия ҳар йили давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан "Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида"ги қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳақида парламент олдида маъруза тайёрлайди. Комиссиянинг ушбу маърузаси унинг сайтида эълон қилинади ва у барча учун очик ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш кераки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлиқни қўчайтириш ва бу борада хорижий давлатларнинг илгор қонунчилик тажрибаси асосида миллий қонунчиликни янада ривожлантириш бир вақтинчи ўзида қатор мақсадларга эришишга хизмат қилади. Биринчидан, давлат бошқарувини демократлаштириш, фуқаролар учун ахборот олишда очиқлик ва шаффофлик таъминланади. Иккинчидан, давлат аппарати фаолиятининг самардорлигини оширишга имкон яратилади. Учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати белгиланади.

Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилишга ва уни ҳимоялашга даъват қилади, давлат тузилмаларининг барча даражада тақомиллашувини таъминлайди, жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиги ошади.

**Музаффар МАМАСИДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори**

Тақдирин кўл билан яратган миллат



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

У бечоралар мазкур ҳаракат бемисл фожиа эканини, диний нуқтаи назардан ҳам оқланмаслигини билар эдилар. Бирок бир маротаба келадигани дунёда бахт нима, рўшнолик нима, роҳат ва фароғат нима — билмай ўтаётганидан, уни эшитадиган, дардларига дармон бўладиган кимса топилмаганидан мана шу сўнгги чорани қўллашга, шу зайл мавжуд тузум ва кўраётгани қоронғи кунга қарши оловли исён кўтаришга мажбур бўлар эди. Не-не норасида қизларимизнинг нозикдан-нозик ўпкалари, жигарлари пахтага сепилмаган бутифосдан оқиб тушганлари-чи? Бир амаллаб ўстирган ўғиллари армияга олиб кетилиб, қурилиш батальонларида умри ўтгани, номига "байналмилал" бу армия сафида авж олган миллатчилик, "дедовщина"нинг қурбони бўлган боласининг кавшарланган темир тобугини қўчиб бўлаган онаизорларнинг фарёдини тарих унутадими? Халқчи, миллатчи?

Қарорда таъкидлаганидек, **"онгу тафаккури, дунёқарши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустақамлиб бораётган"** халқимиз бутун ўз аёлларига, хотин-қизларига ҳам чинакам эътибор, ихлос ва ҳурмат кўрсатмоқда. Бу ўринда ўтган 2012 йил — "Мустақам оила йили" Давлат дастури дои-

расида амалга оширилган, бу йил — "Обод турмуш йили"да қилинаётган савобли ишларни эслашнинг ўзи кифоя. Минглаб оила бекалари имтиёзли нархларда ва қўлай кредитлар ёрдамида уй-рўзгор ишларини сезиларли энгиллаштирадиган замонавий техник анжомларга эга бўлгани, "Фонд-Форум" таъаббуси билан бутун республика микросида ўтказилаётган "Ҳаёт учун!" хайрия дастури доирасида ун минглаб аёллар бепул ва малакали тиббий кўриқдан ўтказилгани, тадбиркорлик йўлини танлаган аёлларга биринчи навбатда керакли шарт-шароитлар яратилиб, зарур ёрдамлар қўрсатилаётгани, йил этган истеъдоди борки қизларимиз ижоди рўёбга чиқарилиб, давлат ҳимийлигида китоблари чоп этилаётгани, ёш санъаткорларимиз хорижий мамлакатлардаги турли танлов ва кўриқларга юборилаётгани, энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий тарзда бунёд этилган спорт иншоотларида юз минглаб ола-сингилларимиз соғлигини мустақамлаш имкониятига эга бўлгани... — буларнинг бари бутунги ўзбек аёлининг бахтга тўлиқ тақдирдан яққол далолатдир!

Умуман, Ўзбекистон Президентининг аёллар аҳоли, тақдир масаласига бу қадар жиддий ва доимий эътибор қаратиши ортда жуда катта, керак бўлса, миллат, халқ келажаги билан боғлиқ муҳим масалалар турганини англамоғимиз лозим. Гап шундаки, авлод тарбиясида, демак, мамлакат эртанги қуни-

нинг қандай бўлиши, у кимларнинг қўлига ўтиши масаласида аёлининг — онанинг турган ўрни бекиёс ва алмаштириб бўлмайдиган аҳамиятга эга. Зеро, оналари соғлом, гўзал, маърифатли, маънавиятли халқнинг иқболи юксак бўлиши тайин. Хар жиҳатдан маърифатли, соғлом дунёқарашли, диди нозик, ихлоси ва эътиқоди собит Она кўлида ўсган боладан кўп нарсани умид қилса бўлади. Бундай бола ортқича дўқ-пўписига ҳам, турткига ҳам, ноўрин насихатбозликка ҳам муҳтож бўлмайди. Бундай боланинг гурури ташқарисида эмас, ичида юксалади, у хар кимнинг олдида эғнини қисиб туришдек ҳўрликдан батамом озод ўсади, унинг онги ва қалбини тўлдирган инсонлик шайини топташ ёғилкара осон кечмайди. Ўзбекистон кенгликларида ўсаётган шундай болалардан бир мушт бўлиб йиғилган халқни эса ўзи танлаган шарафли истиқлол ва нури истиқбол йўлидан қайтара оладиган куч бўлмайди!

Энди айтинг: йигирма икки ёшга кирган бу авлод, бу халқ ҳеч кимдан ийманмай, олтин бошини баланд кўтариб **"Қадр-қимматим, танчим ва ифтихорим, сан, мустақил Ўзбекистон!"** деса ярашадими-йўқми?

Жавоб аниқ ва битта — жуда ҳам ярашади! Зеро, у ўз тақдирини ўз кўллари билан яратётган, тарихи шонли, келажаги буюк халқдир!

Раҳмон ҚўЧҚОР

ТАДБИРКОРЛИКНИ ривожлантиришга кўмаклашиш, янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлашга Навоий вилояти адлия бошқармаси ҳам ҳисса қўшиб келмоқда.

2013 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг 10 та туман ва шаҳарида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилди ва тадбиркорликка оид 874 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Уларни бартараф этиш юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан тегишли идораларга жами 11 та тақдимнома, 30 та огоҳнома ва 29 та кўрсатма киритилди.

Ҳисобот даврида тақдимномалар ижроси таъминланиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 59 нафар мансабдор шахсга интизомий жавобгарлик чоралари кўрилиши таъминланди. Улар орасида эғаллаб турган лавозимидан озод этилганлар ҳам борлиги тадбиркорга тўсиқ бўлаётганларни қонунлар аяб ўтирмаслигидан далолатдир.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган эътибор қундан-қунга кучайтириб боришмоқда.

Масалан, бошқарма томонидан Навоий шаҳрида қонунга юртайёт-

Тадбиркорлик

Тақдимнома киритилгач масала ижобий ҳал этилди



ган "Хатирчи кичик бизнес" хусусий корхонаси Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан қорхонада ўтказилган текширишдан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди ва Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясига "Хатирчи кичик бизнес" хусусий корхонасида ўтказилган қисқа муддатли текшириш натижасида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тақдимнома киритилди.

Таъсир чораси натижасида Навоий шаҳар ДСИнинг 3 нафар ходими нисбатан 30 фоиз миқдорда жарима интизомий жазо чораси қўлланилиши ҳамда "Хатирчи кичик бизнес" хусусий корхонасига текшириш натижасида расмийлаштирилган маъмурий баённома ва қўлланилган молиявий жарималар бекор қилиниши таъминланди.

Шунингдек, адлия бошқармаси

томонидан Навоий шаҳрида фаолият юритаётган "Элмурод Ўлмас" ишлаб чиқариш савдо фирмасининг "Ўзсановатқурилишбанк" ОАТБ Навоий минтақавий филиали томонидан кредит маблағи ажратилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилиб, мазкур савдо фирмасига "Ўзсановатқурилишбанк" ОАТБ Навоий минтақавий филиалидан 150 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳамда фармонларни кенг тарғиб қилиш ва аҳолига тушунтириш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эғаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бундан бунён ҳам адлия идораларининг муҳим ва долзарб вазифаси бўлиб қолади.

Баҳодир ТОШЕВ,
Навоий вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Имконият ва имтиёз Иқтисодий юксалиш омили

ЮРТИМИЗДА демократик ислохотларни амалга оширишнинг ўзига хос усули, ислохотларнинг бошқича-бошқича амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини бериб, халқроқ ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари томонидан иш-лаб чиқилган **"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**даги, шунингдек, **"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолати тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таъминлари тўғрисида"**ги, **"Рақобат тўғрисида"**ги қонунларни қабул қилиш, **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"**ги **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"**ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилиниши лозимлиги илгари сўрилди. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонуний қафолатлашнинг янги босқичга кўтаришга далолат беради.

Демак, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг замирида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада қафолатлаш мақсади ётибди.

Шу борада Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуни тадбиркорлик субъектлари ва ҳўжалик фаолиятини жиний-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг янги босқичга кўтарди.

Ушбу қонунга қўра, Жиноят кодексининг

41,66,79-моддалари ва бошқа бир қатор моддаларига ва бошқа қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган ҳизматлар тегишлилиги билан ва улар тадбиркорликнинг ривожига бевосита тааллуқлилиги билан ажралиб туради. Жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажарилмаганлиги ҳолати бўйича банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимлари фаолиятини қонуний қафолатлаш, шунингдек, сохта банкротлик, банкротлиқни яшириш, электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қондаларий бузиш ва ҳокзо ҳолатларда жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги ҳамда айрим турдаги иқтисодий соҳасидаги жиноятларни содир этганини ўчун ҳўқм қилинган шахсларнинг судланганлиги олиб ташланиши бўйича янги қондаларий жорий этилиши фикримизнинг исботидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ушбу ислохотларнинг негизини демократик бозор ислохотлари ва иқтисодийли янада либераллаштириш ҳамда ушбу фаолиятни жиний-ҳуқуқий муҳофаза этиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Абдулфайз ТОҒАЕВ,
ИИБ Академияси тингловчиси

Мулоҳаза

Китобнинг қадри...

қанча?

БУГУН катталарга ҳурмат, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари ёшларда камайиб кетаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда.

ЯҚИНДА бир тадбиркор дўстимнинг уйига бордим. Уни ҳаётдан нолугуллик жойи йўқ. Уй-жойи ҳавас қилгулик. Ўзида ва хотинида алоҳида машина. Ўғил-қизлари вояга етиб, қанотига кириб қолган. Бирок дўстим, фарзандлари тарбиясидан норозилигини билдирди.

— Ўзим ўқийман, илм оламан, деб шахарга келгандим. Тақдир тақозоси билан тижорати бўлиб кетди. Тижоратни бошлаган пайтимадаёқ бойиман, болаларимга ўқуш учун ҳамма шароитни қилиб бераман, мен етмаганга улар етишади, деб ният қилганман. Ниятимнинг биринчи қисми амалга ошди. Бугун бировдан қамим йўқ. Лекин иккинчи, энг асосий ниятнинг қолиб қетди. На ўғлим, на қизим илмига қизиқди. Иккаласи ҳам пулга ўй. Пулни яхши кўради. Уларнинг фикрича пул одамнинг жигаридан саланганмиш.

Ана шундан кейин танишимнинг уй жиҳозларига алоҳида эътибор бердим. Биз ўтирган меҳмонхонанинг жавони турли ялтироқ хориж чинчилари-ю, биллур идишлар билан тўла. Қарасанг, қўзинг қамашади. Лекин улар орасида мен қидирган нарсаси йўқ. Шунинг учун ҳам секин қўлогига шивирладим:

— Ошна, уйингда кутубхонанг борми?

У менга хайратланиб қаради. Сўнг саволимга савол билан жавоб берди:

— Ақлинг жойидими? Шу замонда кутубхона кимга керак. Ана, ўғлимнинг хонасида ҳам, қизимнинг хонасида ҳам компьютер бор. Шундай экан, уларга китобнинг нима кераги бор? Яна бу ёзувчи-ю шоирларнинг китобининг нархини осмонга чиқариб юборишган бўлса? Қолаверса, китоб ўқуш аллақачонлар модадан қилиб бўлганидан хабаринг йўқми?..

Ана шу жавобдан сўнг тушундимки, отанинг ўз ўғлидан ҳаф бўлишга ҳеч қандай ҳақи йўқ. Унга гап ўқитириш ҳам бефойда. Жавонда турган бир донга биллурни қай бир давлатдан палон пулга олиб келгани билан мактабини ўтирган ота, нархи арзон китобларни қиммат, деб уйласа?

Назаримда, ёшларимизнинг тарбияси бузилиб кетётгани ҳақида сўзлашдан аввал ўзимиз уларга нима бераётганимиз хусусида жиддийроқ ўйлаб қўришимиз лозим, шеклили.

Фахриддин ҚҮЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Қонун доирасида

Айбдорлар жазога тортилди

Кейинчи?..

МАМЛАКАТИМИЗДА қонун устуворлигини таъминлашга Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ЖИЗЗАХ вилоятининг тегишли идоралари ҳудудий бўлимга тақдим қилган жами 1011 та маъмурий иш таҳлил қилиб чиқилди. Жумладан, Жиззах шаҳар давлат солиқ бошқармасидан 150 та, назорат-тафтиш бошқармасидан 85 та, божхона бошқармасидан 13 та, санитария ва эпидемиология назорат марказидан 200 та, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан 260 та, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан 286 та, стандартлаштириш ҳамда метрология бошқармасидан 17 та маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар ўрганилди ва бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Масалан, Жиззах шаҳридаги "Матбуот тарқатуви" МЧЖ ва "Жиззахсервис" шўъба корхонасида Меҳнат кодекси, **"Меҳнатий муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги ва **"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"**ги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ташилот раҳбарлари М.Урдушев ва О.Юсуповга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси, 1-қисми билан бир вақтнинг ўзига 2 маротаба маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор қабул қилинган. Ҳамда О.Юсупов, М.Урдушевларнинг ҳар биридан 251680 сўмдан жарима ундирилган.

Шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган текширишларда 14 нафар шахсга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда бир вақтнинг ўзига бир шахсга нисбатан 2 марта маъмурий жарима жазоси қўлланилган. Ушбу қўлланилган жарима ўз муддатида ун-дирлмаган ва мажбурий ижрога қаратилган.

Бундан ташқари, бош бошқарма томонидан норма талабларини нотўғри қўллаш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303-моддасига қўра, "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқишга тайёарлаш вақтида ишни қўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни қўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлигига аниқлик киритилиши", 307-моддасида "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) жавобгарлиқни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бора-йўқлиги аниқланиши" кўрсатилган бўлса-да, ушбу қондага амал қилинмаган.

Масалан, 2012 йил 13 январь куни Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан Жиззах вилояти инкассация бошқармаси бошлиғи С.Алишевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси, 3-қисми билан энг ҳам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда 629.200 сўм жарима

тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бирок ушбу қарор билан ҳуқуқбузар таништирилмаган, маъмурий ишни қўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинмаган.

Бу қилиб Жиззах шаҳар солиқ бошқармасида 2 та, вилоят назорат-тафтиш бошқармасида 85 та, вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорати марказида 1 та ва вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида 15 та ҳолатда тақдорланган.

Шунингдек, МЖТКнинг 36-моддасида маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган қундан бошлаб, давом этаётган қонунбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган қундан бошлаб икки ойдан кечиктирилган қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, ушбу талаб вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан бузилган.

Бундан ташқари, вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази томонидан МЖТКнинг 309-моддасида орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш, шу иш юзасидан қарор чиқариши, қарорда мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи норматив ҳужжат кўрсатилиши белгиланган бўлса-да, ушбу талаб бузилган.

Жумладан, вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорат марказининг бош давлат санитария врач Ш.Абдураимов томонидан 2012 йил

12 февраль куни Жиззах туманидаги "Ўзбекистон" қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси У.Мурсомновага нисбатан маъмурий жарима жазоси қўллаш тўғрисида 1-сонли қарор билан 62920 сўм миқдорда жарима белгиланган.

Ушбу жарима қўллаш тўғрисидаги қарорда келтирилган ҳуқуқбузарлик қайси норматив ҳужжатнинг қайси модда ва қисмидаги ҳуқуқбузарлик эканлиги ақс эътириланган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида ўрганилган барча назорат органларига тақдимнома киритилиб, қўлланилган жарималарни ўз вақтида ундириш чоралари кўрилмаганлиги сабабли 103 та маъмурий қарорнинг ижроси ва қонун талабларига эид равишда қабул қилинган 3 та маъмурий қарор бекор қилинди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 25 нафар масъул шахсининг интизомий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Баҳодир ҚАРШИЕВ
Адлия вазирлиги
Қонунчиликка риоя
этилиши устидан
назорат қилиш
бош бошқармасининг
Жиззах вилояти ҳудудий
бўлими бошлиғи,
Абдулғаффор
ОМОНБОВЕВ,
журналист

Бурч

Адвокатлик қасамёди

қасбий масъулият ва этика талаби

ДУНЁДА шарафли ва масъулиятли касб эғалари ўз вазифасига киришиш олдида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунга сўзсиз риоя этиш юзасидан тантановор равишда қасамёд қилиди. Бундай қасбнинг ўзига хос ана бир муҳим жиҳати, тайинланган ёки сайланган шахс то қасамёд қабул қилмагунча зиммасидоги ваколатини одо этишига кириша олмайдми. Қонун тили билан айтганда эса қасамёд қабул қилинган дақиқадан бошлаб расман ваколатини бажаришга киришилади. Ана шундай муқаддас ва оёрули соҳалардан бири бу адвокатлик касбидир.

ПАРЛАМЕНТИМИЗ томонидан 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган **"Адвокатура институтини тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун ушбу йўналишдаги демократик ўзгаришларнинг янги босқичини бошлаб берди. Чунки мазкур Қонун асосида адвокатнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш, адвокатлик талабгор шахсларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириш, адвокатлик мақомини олиш учун белгиланган талабларни қучайтириш, адвокатларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини, адвокатлик сирини, касб этикаси ва адвокатлик қасамёдига қатъий риоя қилишини таъминлаш, шунингдек, адвокатлар билан муносабатда давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш мақсадида Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонунга бир қатор муҳим нормалар киритилди.

Хусусан, **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонунга киритилган ўзгаришга асосан адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камиди икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камиди олти ой стажировка ўтаган бўлиши кераклиги ҳамда малака имтиҳонини топириши шартлиги белгиланганлиги адвокатлик фаолиятига қўйилган талаблар жиддий қучайтирилганлигини кўрсатади.

Албатта, адвокатура институтини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил демократик ислохотлар, ушбу йўналишда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида кўп тўхталиш мумкин. Аммо энг муҳими, бугун ҳамма адвокатлар ҳам ўзларига берилган ваколат ва қафолатлардан тўғри фойдаланаятиптими, адвокатлик сирини, касб этикаси ва адвокатлик қасамёдига қай даражада содиқ қолмоқда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек зиммасига юкланган шарафли мажбуриятни сидқиқлидан аддо этаётиптими, ўзларига билидирган ишончини оқлаёттими? Афсуски, айрим ҳолларда касб қасамёдини, этика қондаларини ва адвокатлик сирини сақлашга риоя қилмаслик, қонун билан юкланган вазифаларни виждонан бажармаслик билан боғлиқ салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Айтиш кераки, адвокатлик сирини сақлаш адвокатлик қасамёдида риоя этилишини муҳим қафолатларидан биридир. Бошқача айтганда, ишонч билидирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, адвокатдан олинган маслаҳатлар, насихатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг ишонч билидирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан ўтказган суҳбатига тўхтаб ўтилган барча масалалар адвокатлик сирини жумласига қиради. Қонунда белгиланган ушбу талабларни бажармаслик эса белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланган ҳуқуқни берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатилишига сабаб бўлади.

Кези келганда айтиш жоизки, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ҳамда Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликда адвокатура институтини ривожлантириш, унинг мавқеи ва ролини янада мустақамлаш, адвокатлик касбига маъносиб номзодларни танлаш, адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдирши, малака имтиҳонларини қонунда белгиланган талаблар даражасида ўтказиш, шунингдек, адвокатлар томонидан адвокатлик лицензиясиз талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиб бориш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бирок амалга оширилган ишлар таҳлили, адвокатлар томонидан адвокатлик сирини, адвокатлик қасамёди ва қасб-этика қондаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашда

Тизим тадбири

Идоравий қонун ижодкорлиги

масъулларнинг жавобгарлигини оширади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталари масъуллари иштирокида "Идоравий норматив-хукукий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлаштириш" мавзюда анжуман ташкил этилди.

Қайд этилганидек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиш ва қўллаш, шунингдек, қабул қилинган норматив-хукукий ҳужжатларнинг эълон қилиш ҳамда манфаатдор шахслар эътиборига етказишни назорат қилиш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда вазирлик норматив-хукукий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг давлат реестрини юротиши.

Норматив ҳужжатларни техник қоидалар ва нормалар, деб ҳисоблаш Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади, бунинг учун ҳужжатлар вазирлик ва идоралар томонидан мажбурий тартибда Адлия

вазирлигига ҳукукий экспертизага тақдим этилади.

Анжуманда идоравий норматив-хукукий ҳужжат қабул қилиш тегишли вазирлик ёки идорага берилган ваколатига бўлиб қолмай, айни пайтда мажбурият ҳам ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Яъни, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ёки қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабат билан тегишли вазирлик ва идоралар ўзларининг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-хукукий ҳужжатларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришлари лозим.

Бирок таъкидланганидек, амалётда айрим вазирликлар ва идоралар томонидан мазкур ишга етарли даражада масъулият билан ёндашмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш бўйича киритилган тақдимномаларнинг ижросини назорат

қилиш юзасидан керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зарур ҳолларда эса, қонун ҳужжатлари нормаларига ўз вақтида мувофиқлаштирилмаган, шунингдек, эскирган норматив-хукукий ҳужжатлар Давлат реестридан чиқарилмоқда.

"Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-хукукий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги ва ҳукукий оқибатларга олиб келмаслиги алоҳида моддада кўрсатиб ўтилган. Бунда, мансабдор шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-хукукий ҳужжатларини амалга киритганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Узаро жонли мулоқот асосида ташкил этилган анжуманда норматив-хукукий ҳужжатларда юридик тил, қонунчилик лингвистикаси ва юридик атамашуносликни қўллаш, унга тузатиш, ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, норматив-хукукий ҳужжатни ишлаб чиқишда ваколатлилик масаласи қоидалари, ҳужжат матни таржимасига қўйилмаган талаблар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Ўқув-машғулоти

Ифтихоримиз тимсоли

ҲАР БИР миллатнинг, халқнинг миллий мустиқиллигини, унинг кўп минг йиллик тарихий аъёнларини, маданиятини, маънавий ва умуминсоний қадриятларини, бугунги ҳамда истиқболдаги буюк мақсад ва интилишларини ўзимда ифода этувчи тимсоллар бу — давлат рамзларидир.

2 ИЮЛЬ мустиқиллигимиз рамзи бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат герби қабул қилинганга 21 йил тўлди. Ана шу муносабат билан Адлия вазирлигида ўтказилган "Давлат герби — ифтихоримиз тимсоли" мавзюдаги ўқув-машғулоти ҳам мазкур санага бағишланди. Тадбирда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг давлат қурилиши ва ҳуқуқ кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди Серекбек Муратаев ўз маърузаси билан иштирок этди.

Анжуман давомида йиғилганларга давлат гербининг мазмун-моҳияти яна бир бор батафсил очиқ берилди. Иштирокчилар томонидан йўлланган саволлар эса тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда, мустиқиллигимиз рамзи, ўзбек халқининг ифтихори бўлган гербимизга нисбатан ҳурмат даражаси янада ортди.

Адлия вазирлиги
Ҳукукий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Хўжалик суди амалиётидан

Яроқлилик муддати ўтган қолда сотиш

жарима солишга сабаб бўлади

АЛКОГОЛЛИ ичимликларни яроқлилик муддати ўтиб кетган ҳолда сотиш тақиқланади ва ушбу ҳуқуқбузарлик юридик шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ИШНИНГ МАЗМУНИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши туман ҳудудий комиссиясининг 2012 йил 14 мартдаги 06/02-сонли рухсатномаси ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2012 йил 25 мартдаги 221-х/с-сонли буйруғига асосан хусусий корхонага қарашли савдо шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда хусусий корхонага қарашли савдо шохобчасида яроқлилик муддати ўтиб кетган алкогольли ичимликлар сақлаётганлиги ва реализация қилинганлиги аниқланган. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган барча ҳужжатлар аризачи томонидан жавобгарга топширилган, текшириш тартиби ва қоидалари текширувчилар томонидан бузилмаган.

Аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида солиқ текширувчи материаллари 2012 йил 26 апрелда давлат солиқ хизмати органи томонидан қўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарор билан хусусий корхонага Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли махсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 12584000 сўм молиявий жарима ҳисобланган, жаримани иккитўрт қисмга бўлиб, ҳар бири тўрт қисмга тақсимланган.

Хусусий корхона томонидан ушбу молиявий жарима суммаси иккитўрт қисмга бўлиб қўйилган. Текшириш натижасида аризачи томонидан қўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарор билан хусусий корхонага Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли махсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 12584000 сўм молиявий жарима ҳисобланган, жаримани иккитўрт қисмга бўлиб, ҳар бири тўрт қисмга тақсимланган.

Хусусий корхонага қарашли савдо шохобчасида истеъмолга яроқсиз алкогольли ичимликлар сақлаётганлиги ва реализация қилишга қаратилганлиги сабабли ушбу ҳолат Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли махсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан таъкидланган Алкоголли махсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари таъкидланган.

ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ФАКТИ

Жавобгар суд мажлиси тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганга қарамадан, суд мажлисида ўзининг ишончли вакили йиғирокани таъминлаган. Шунингдек, судга ўз эътирозларини билдирувчи даъво аризасига ёзма фикр бермаган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган ҳолатлар аризачи вакилининг кўрсатмалари, текширишга оид ҳужжатлар, жумладан, текшириш далолатномаси, хусусий корхонага қарашли савдо шохобчаси сотувчиси, харидор ва холисларнинг воқеа жойида берган тушунтириш хатлари, давлат солиқ хизмати органининг текшириш натижаларини қўриб чиқиш баённомаси, текшириш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ва бошқа ҳужжатлар билан исботланганлиги сабабли ариза қилинган талабни қаноатлантириб, жамиятга нисбатан Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли махсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 12584000 сўм миқдорда молиявий жарима қўйилган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАҲ

Хўжалик суди томонидан қўрилган мазкур ишда низоининг моҳиятини аниқлашда қўйилган ҳолатларга эътибор қаратиш мумкин.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳамда Олий суд Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси 9-қисмига, Адвокатлар палатасининг Фармонида вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 25 июнда тақдим этилган 01-08/108-сонли хатга ҳамда Фаронга вилоятли адлия бошқармасининг 2013 йил 25 июндаги 172-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳрида "Хўжалик тарғибот" адвокатлик ҳай'ати адвокати Ҳасановнинг лицензия TN №001553, 25.06.2012 й. адвокатлик гувоҳномаси №249, 24.06.2012 й. адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси 9-қисмига, Адвокатлар палатасининг Фармонида вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 25 июнда тақдим этилган 01-08/108-сонли хатга ҳамда Фаронга вилоятли адлия бошқармасининг 2013 йил 25 июндаги 172-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳрида "Хўжалик тарғибот" адвокатлик ҳай'ати адвокати Ҳасановнинг лицензия TN №001553, 25.06.2012 й. адвокатлик гувоҳномаси №249, 24.06.2012 й. адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Ижара шартномаси

Қонунчиликдаги

янгилик

томонлар манфаатига

хизмат қилади

БУВАЙДА туманида яшовчи Ҳуқаро Дилбар Солиева (исм-шарифи ўзгартирилган) чеворчилик цехини ташкил қилиб, янги иш ўринлари яратишни дилга туғди. Шу мақсадда яқин тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтди. Аммо цех фаолиятини юротиш учун ўзининг хусусий биноси йўқлиги жиҳдиди муаммо бўлиб турарди.

ДИЛБАРХОН ҳамқишлоғи Ислам Нодировнинг туман марказида фойдаланилмай турган биносининг бир қисmini ижарага олди. Ижара шартномасини қонуний расмийлаштиришни сўраб туман давлат нотариал идорасига мурожаат қилди.

Шундан сўнг лозим бўлган ҳужжатлар йиғилиб, томонлар ўртасида имзоланган ижара шартномаси нотариал тасдиқланди.

Ўтган 2012 йилнинг 1 январидан эътиборан, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, мулк ижара шартномалари нотариал тартибда тасдиқланиши мажбурийлиги белгиланган бўлибди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар Ҳуқаролик кодексининг 574-603-моддалари, Солиқ кодексининг 181-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддасини ўз ичига олади.

Ҳуқаролик кодексининг 574-моддасига мувофиқ Ҳуқаролик ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисmini, уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 181-моддасида эса жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олаётган даромадларга белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солиниши белгиланган бўлибди. Шунинг учун таъкидлаш керакки, бундан буён ижара шартномасининг нотариал тартибда тасдиқланмаслиги маъмурий жавобгарликка олиб келади. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддасига мувофиқ Ҳуқаролик ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисmini, тураржойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Алишер ҚОДИРОВ,
Бувайда тумани давлат
нотариал идораси нотариуси

— Яқинда ойнаи жаҳонда эфирга узатилган бир кўрсатувда мутахассис қизларни эрта турмушга беришнинг аянчли оқибатлари хусусида гапирди. Аммо унинг фикрларини тўлиқ эшитолмадим. Шу ҳақда батафсил тушунча берсангиз?

Ёрқин БОРАТОВА,
Қосонсой тумани

— АВВАЛО, шуни таъкидлаш лозимки, Оила кодексининг 15-моддасига биноан никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Аммо баъзи ота-оналар фарзанди-

роғи, 2013 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, қизларни эрта

Савол-жавоб

Орзу-ҳавас

Ўдақлар ногирон туғилишига олиб келмасин



нинг бахтидан кўра ўзларининг орзу-ҳавасларини устун қўйиб, қизларини эрта турмушга берадилар, ўғилларини барвақт уйлантирадидилар. Ваҳоланки, никоҳ ёшига етмаган қиз ва йигит фарзанд кўришга тўлиқ тайёр бўлмайди. Пировадиди, унинг жигарбанди ногирон ҳолатда дунёга келади. Яъни ўша хою-ҳавасга берилган ота-оналар набираларининг жиҳдиди нўқсон билан туғилишига замин яратаятганларини ҳаёллари-га ҳам келтиришмапти.

Негаки, эрта турмуш қуришнинг оқибатида ўдақлар аксарият ҳолларда ногирон туғилиши тиббиётда исботланган.

Шунинг учун яқинда бундай салбий ҳолатларга ҳуқуқий жиҳатдан чек қўйилди. Аниқ-

турмушга бериш, йигитларни барвақт уйлантирганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Мазкур янгиликка мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 473-модда киритилди. Шунга биноан никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берса ёхуд уйлантириш — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жаримага тортилади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир

диний маросимни амалга оширган шахсга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Жиноят кодексига киритилган 1251-моддага асосан эса никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланиши белгиланган бўлибди.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазосига тортилади.

Умуман олганда, гап бу борада маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган ёки жазонинг оғир ёхуд енглигига эмас, балки ўша ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг қандай тузатиб бўлмас даражадаги аянчли оқибатларга олиб келишини теран англаб етишда. Зеро, оила мустаҳкамлиги никоҳнинг қонунийлиги, ота-онанинг масъулияти, қолаверса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбияланишига боғлиқ.

Саволга Қосонсой тумани
ФХД ёлими мудири
Насиба УМАРОВА
жавоб берди.

салони ҳамда юкхонасида божхона расмийлаштирувчи тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган Ҳуқаро М.Усмановага тегишли 4500 донадан ортиқ парфюмерия махсулотлари ноқонуний тарзда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Муқаддам айланма йўллар орқали олиб қилинган, табиийки, тегишли ҳужжатлари ҳам бўлмаган мазкур атторлик молларининг умумий қиймати 6 миллион сўмни ташкил қилади.

Шунингдек, пойтахтлик божхоначилар томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Чилонзор туманида Ҳуқаро Н.Махмуджонованинг хонадонини амалдаги тартибларга мувофиқ ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, қиймати 10,6 миллион сўмлик 27 турдаги салкам 3 минг дона парфюмерия воситалари ноқонуний равишда сақланаётганлиги фож қилинди.

"Келес" темир йўл божхона пости ходимлари томонидан "Москва — Тошкент" йўналишидаги поезд йўловчиси Ҳуқаро Д.Нурмухамедовнинг қўл

юклари божхона кўригидан ўтказилганда, унда божхона баённомасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилинмаган, салкам 21 миллион сўмлик турли озиқ-овқат махсулотлари ва товар-моддий бойликларни, шу жумладан, қиймати салкам 15 миллион сўмлик 270 дона парфюмерия воситалари борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.


Рақамларга мурожаат қилсак, божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган салкам 700 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати 5 миллиард сўмлик 3,5 миллион донадан ортиқ косметика ва парфюмерия воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Шаҳар бедарвоза эмас

Сохта "атторлар"

божхоначиларга фириб бермокчи эди...



КОСМЕТИКА ва парфюмерия воситаларининг бозори ҳамيشа чаққон. Бундан эса сохта "тадбиркор"лар мўмай даромад олишда фойдаланиб қолишга уринишади. Аммо, ташқи гўзаллик учун хизмат қилувчи парфюмерия ва косметика воситаларининг таркибиди кимёвий моддалар жуда катта миқдорни ташкил қилишини, боз устига уларнинг янада зарарли ҳисобланган қалбаки ва контрафакт нусхалари ёйилаётганлигини инобатга олсак, мазкур масаланинг янада жиҳдиди таҳдид эканлигини англаш қийин эмас.

РЕСПУБЛИКАМИЗ божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган бу турдаги махсулотларнинг олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Ҳуқаро Қ.Абдуллаев бошқарувидаги "Нексия" русумли автомашина кўриқдан ўтказилганда, автомобиль

Фаолият

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш

ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари бир-бирини тўлдирувчи, уйғун, тизимли тарзда йўлга қўйилган бўлиб, суд қарорлари ижросини таъминлаш, ижро ишини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва сотиш, шунингдек, пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига илова тариқасида "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"

Ҳизом қабул қилинди. Мазкур Низомида "Истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек, уни йўқ қилиб ташлаш тартиби назарда тутилган. Бу борада, Суд департаменти томонидан суд қарорларининг ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлиб, жорий йилнинг 1-чорагида жами 21

мингдан ошди суд қарорлари бўйича 55 миллиард сўмлик мол-мулклар давлат даромадига ўтказилган.

Ушбу мол-мулкларни давлат даромадига ўтказишда Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари билан шартнома асосида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни аукцион шаклида сотиш мақсадида фаолият юритиб келаётган иккитадан бештагача савдо ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқарманинг туман (шаҳар) бўлимларида туртга яқин озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа турдаги мол-мулкларнинг савдоси билан шуғулланувчи савдо ташкилотларининг самарали кўмакларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, Суд департаменти ҳудудий бошқармалари томонидан савдо ташкилотларига топширилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни тез ҳамда ҳолисона сотилишини таъминлаш мақсадида шу савдо ташкилотлари орқали омма-

вий ахборот воситалари (газеталар)га эълонлар берилиши ҳамда ҳар ҳафтада интернет тармоғидаги Суд департаментининг веб-сайтига кiritиб бориш йўлга қўйилган. Соҳани такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қорар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалга киритилиши фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадларига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, қонун устуворлиги принциплари асосида риоя этилиши, суд қарорининг сўзсиз ижро этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Хусниддин АТАВАЛИЕВ,
Суд департаменти
солиқ, божхона
бошқа органлар
қарорларини
ижро этиш
бўлими бошлиғи

Семинар
Муҳокама
давомида

таклифлар билдирилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан "Давлат органлари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишининг долзарб масалалари" мавзусида семинар ўтказилди.

ҲУДУДИЙ бўлими томонидан ўрганилган соҳалар фаолиятидаги камчиликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борада ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди. Жумладан, 2013 йил 1-ярмида вилоятдаги давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги айрим йўналишлар бўйича 4 та ўрганиш ва мониторинг ўтказилиб, 1000 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда қатор камчиликлар аниқланди.

Шунингдек, ўтказилган назорат тадбирлари ва муҳокама-атларни қўриб чиқиш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини ҳамда уларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид 40 дан ортиқ таклиф ишлан чiqилиб, уларга асосан вилоят адлия бошқармаси томонидан давлат органлари раҳбарларига 17 та тақдирнома, 13 та ёзма қўрсатма ва оғоҳнома киритилган. Бунинг натижасида давлат органларининг 10 нафар мансабдор масъул ходими интизомий жавобгарликка тортилган.

Семинарда давлат органлари фаолиятидаги камчиликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борада амалиёт ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Тождиддин УТЕПБЕРГЕНОВ,
Тошкент вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Аср вабоси

Дунёни ларзага
солаётган касаллик

ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши

қўрашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши борасидаги ишлар ҳусусида

ҲАМОН ечими қидирилаётган ОИВ инфекцияси масаласи барча мамлакатлар учун глобал муаммага айланган. Бу касаллик асосан аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисmini зарарлаш, касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурияти ва унга кетадиган сўф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиши орқали иқтисодий тараққиётга ҳавф туғдирса, бошқа томондан ушбу касалликка чалинганлар камситилишига учраши мумкинлиги ва аҳолининг соғлом, беҳавотир турмуш кечиришига ҳавф туғдириши орқали барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА мазкур касалликнинг олдини олиш ва унга қарши қўрашиш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб борилаётган. Ушбу соҳага оид барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи ҳам босқичма-босқич такомиллаштириш орқали амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ҳуқуқий масалалар 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинди.

Қонун қабул қилингандан кейин ўтган давр ичда тулланган тажрибаларга асослан, ОИВ касаллиги тарқалишига қарши қўраш масаласига ёндашувлар кескин ўзгарди. Шундан келиб чиқиб, соҳани тартибга солиш амалдаги қонунни такомиллаштириш зарурати туғилди. Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши қўрашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан бу йўналишдаги устувор қўшимча чора-тадбирлар тўлиқ назарда тутилган бўлиб, ушбу Қарор ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қўраш масалаларига қаратилган.

Президентимиз Қарори билан Бош вазир раислигида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қўраш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси тузилди, комиссия таркиби ва комиссия ҳақидаги Низоми тасдиқланди ҳамда мазкур Комиссиянинг ваколатлари ҳам белгилаб берилди.

Амалдаги Қонуннинг 3-моддасида ОИВ/ОИВ касаллиги юққан-юкмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқи белгиланган. Бироқ тиббий текширув турлари, яъни ихтиёрий, шартли ва мажбурий тиббий текширувлардан ўтиш тартиби қонун билан тартибга солинмаган. Инсон ҳуқуқлари таъминлашнинг ифода қилувчи тегишли халқаро ҳужжатлардаги "касаликка чалинганларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларнинг махфийлигини сақлаш" қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги талабларга қўра, қачон ихтиёрий тиббий текширувдан ўтиш мумкинлиги, қачон тиббий текширувдан ўтиш шарт

эканлиги, қачон шахсни тиббий текширувдан мажбуран ўтказилиши ҳақидаги қоидалар қонунда белгилаб қўйилмаган.

Қонуннинг 6-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқароларига бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин", дейилган. Бу норма БМТ Бош Ассамблеясининг 2001 йил 27 июнда қабул қилинган "ОИВ/ОИТСга қарши қўраш ишларида тарафдорлик тўғрисида"ги Декларация талабларига эид бўлиб, ОИВ касаллигига чалинганларнинг камситилишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ инфекцияси) келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши қўрашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Унда амалдаги қонунда мавжуд бўлмаган, бироқ соҳа тартибга солинишида муҳим бўлган қуйидаги қоидалар ўз аксини топди:

Қонун лойиҳаси мазмунини, номланиши ва унда ишлатилган атамалар Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қўраш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мослаштирилди.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қўраш соҳасидаги давлат сиёсати белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қўраш соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилмоқда ва ҳоказо.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши орқали соҳада олиб борилаётган барча ишлар, чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди, муносабатлар қонун билан тартибга солинди, мутасадди органларнинг ваколатлари эса аниқ белгилаб қўйилди.

Музаффар МАХМАДАМИНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очик акциядорлик жамияти)

аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилади.



Ушбу тўловларни “Асака” банк (ОАЖ)нинг барча филиаллари, минибанклари ва махсус кассаларида нақд пулда ёки пластик карточкалар орқали амалга оширишингиз мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Филиаллар ва минибанклар фаолияти бўйича:
(8-371) 120-82-72, 120-82-66, 120-82-29

Махсус кассалар фаолияти бўйича:
(8-371) 120-39-48, 120-39-87

Инфокиосклар ва тўлов терминаллари бўйича:
(8-371) 120-81-79, 120-81-90, 120-82-76, 120-81-39

“Асака” банк (ОАЖ) кўп каналли ягона “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” рақами: (8-371) 120-82-88



Тўловларни қабул қилувчи филиаллар ва минибанклар манзили “Асака” банк (ОАЖ) расмий веб-сайтига (www.asakabank.com) жойлаштирилган.

“Асака” банки (ОАЖ) — молия хизматлари бозорига Сизнинг ишончи ҳамкорингиздир!

Хизматлар лицензияланган.

Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 14 июндаги 45-ум-сонли буйруғига асосан "ОД-НУР" адвокатлик бироқи тузилмасининг муносабати билан бироқ таъсисчиси адвокат Г.Нарзибековга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 майда берилган адвокатлик мактаби адвокат томонидан ушбу одамга ошмиладиган мuddатда амалга оширилган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунгача қадар ёқуд мажбуз адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунгача қадар тўқтатилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 20 июндаги 57-ум-сонли буйруғига асосан "ОД-НУР" адвокатлик бироқи тузилмасининг муносабати билан бироқ таъсисчиси адвокат Машарипов Бахтиёр Ачиловга Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 14 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи СИ №000113-сонли лицензиянинг амал қилиши 6 ой мuddатга тўқтатилди.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ШОНАН-НУҚУШУНОВ" адвокатлик бироқи адвокат Артиков Хатам Сулеймановичга бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган ТН-000480-сонли адвокат мактабини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 30.06.2009 йилда берилган 22-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мактаби тўқтатилди.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "МИРЗО УЛУГ'БЕК АДВОКАТЛАРИ" адвокатлар жайнати адвокати Снонсий Алексей Витальевичга бошқарма томонидан 29.05.2009 йилда берилган ТН-000053-сонли адвокат мактабини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 647-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мактаби тўқтатилди.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "АДОЛАТ УСЧУН ОЛГА" адвокатлик фирмаси адвокати Умарова Дамалила Бахридировнага бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган ТН-000440-сонли адвокат мактабини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 07.09.2009 йилда берилган 1266-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мактаби тўқтатилди.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "НУҚУ-НИМОЯЧИСИ" адвокатлик фирмаси адвокати Қадиров Мумин

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "КАПОЛАТ-НИМОЯ" адвокатлик бироқи адвокати Бурханов Мирҳамид Мирҳамидовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 23.06.2009 йилда берилган ТН-000280-сонли адвокат мактабини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 29.06.2010 йилда берилган 1531-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мактаби тўқтатилди.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "НУҚУ-НИМОЯЧИСИ" адвокатлик фирмаси адвокати Қадиров Мумин

Рустамовичга бошқарма томонидан 03.02.2011 йилда берилган ТН-001362-сонли адвокат мактабини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 04.09.2010 йилда берилган 2328-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мактаби тўқтатилди.

Малака комиссиясининг 25.06.2013 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2013 йилдаги №170-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "VERSIO" адвокатлик фирмаси адвокати Муминов Алишер Абдураҳимовичга бошқарма томонидан 08.06.2009 йилда берилган ТН-000640-сонли адвокат мактабини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 618-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мактаби 2013 йил 26 июндан — 2 ой мuddатга тўқтатилди.

ИНСОН ва ҚОНУН

Бош

муҳаррир:

Кўнкор

НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Мавжуда

Абдуллаева

Қўнкор Тоғоев

Турсунов Тўлқин Мирзаевич

Очлов Алжон Мухлисович

Султонов Алимкул

Топбекович

Маммадалиева Зайниддин Очлович

Навбатчи:

Ербек

ИСКАНДАРОВА

Саҳифаловчи:

Тўлқин

РАҲУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табак ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Буюртма j-7549. Тиражи — 17278.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:

100047, Тошкент ш.

Сайилгоҳ кўчаси-5.

Тел: 233-95-31.

Факс: 233-84-50

Басхон келтирилган нархда

1 2 3 4 5